

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-сентябрида Сурхондарё вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 9643,6 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йил январь-сентябрга нисбатан 4,2 %га ўсди.

2018 йил 3-чорак яқунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 3805,2 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,0 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯҲМни шакллантиришда Сурхондарё вилоятининг қўшган ҳиссаси 3,9 %ни ташкил этди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2017 йил январь-сентябрга нисбатан % да
	2017 йил январь-сентябрь	2018 йил январь-сентябрь	
<b>I. ЯҲМ</b>	<b>7 485,4</b>	<b>9 643,6</b>	<b>104,2</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	7 225,0	9 291,4	104,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	260,4	352,2	107,5
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>7 225,0</b>	<b>9 291,4</b>	<b>104,1</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	2 820,2	3 871,9	101,6
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1 174,2	1 558,8	110,5
Саноат	576,0	771,3	115,4
Қурилиш	598,3	787,5	105,8
<b>Хизматлар</b>	<b>3 230,5</b>	<b>3 860,7</b>	<b>103,9</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	881,1	1 104,4	105,0
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	538,2	589,6	105,0
бошқа хизмат тармоқлари	1 811,2	2 166,7	103,0

Худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат тармоғининг ўсиш сурати – 115,4 % (ЯХМ таркибидаги улуши- 8,3 %), қурилиш – 105,8 % (8,5 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 105,0 % (11,9 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 105,0 % (6,3 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 103,0 % (23,3 %) ни ташкил этди.

### 2018 йил январь-сентябрида ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




*иқтисодий фаолият турлари*


Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 96,3 %ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 3,7 %ини ташкил этди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан фоизда):**

**2017 йил январь-сентябрь**



**2018 йил январь-сентябрь**




- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар


Қишлоқ хўжалиги тармоғи ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши ҳисобот йилида 41,7 %ни, саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғи 16,8 %ни, хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши эса 41,5 %ни ташкил этди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 11,9 %ни (2017 йил 12,2 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 6,3 %ни (7,4 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 23,3 %ни (25,1 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби  
(жамига нисбатан фоизда):**

**2017 йил  
январь-сентябрь**



**2018 йил  
январь-сентябрь**



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси  
Статистика фаолиятини ташкил этиш  
ва йиғма ахборот-таҳлил ийишлари бўлими  
Нашр учун масъул: Д.Бўриева  
Тел: (0371) 230-85-80